

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЖЎРАЕВ ХУСАН АЛИШЕРОВИЧ

**МУҲАММАД КАРДАРИЙ “АЛ-ЖОМИЪ АЛ-ВАЖИЗ” АСАРИНИНГ
XIV-XV АСРЛАР МОВАРОУННАҲР
ДИНИЙ-ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ**

24.00.01 - Ислом тарихи ва манбашунослиги

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences

Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по историческим наукам

Жўраев Хусан Алишерович
Муҳаммад Кардарий “ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг XIV-XV
асрлар Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётидаги ўрни (24.00.01).....3

Juraev Khusan Alisherovich
The Role of Muhammad Kardaris Work “Al-Jaami’ al-Wajeez” in The
Religious and Social Life of Mawarannahr in XIV-XV Centuries (24.00.01)27

Жураев Хусан Алишерович
Роль труда Мухаммада Кардари «аль-Жами” аль-важиз» в
религиозно-социальной жизни Мавараннахра в XIV-XV веках
(24.00.01).....49

Эълон	қилинган	ишлар
рўйхати.....	53	
List	of	published
works.....	53	
Список		опубликованных
работ.....	53	

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЖЎРАЕВ ХУСАН АЛИШЕРОВИЧ

**МУҲАММАД КАРДАРИЙ “АЛ-ЖОМИЪ АЛ-ВАЖИЗ” АСАРИНИНГ
XIV-XV АСРЛАР МОВАРОУННАҲР
ДИНИЙ-ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ**

24.00.01 - Ислом тарихи ва манбашунослиги

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.1.PhD/Tar108 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.iiaw.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исламов Захид Махмудович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмоилов Масъудхон Маҳдиевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ да БИММ платформасидаги онлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiaw.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiaw.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.А.Ёвқочев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

З.М.Исламов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, фил.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ислом дини билан боғлиқ бугунги кунда юзага келаётган диний-ижтимоий соҳага оид муаммоларни ҳал қилишда ўрта асрларда аллома аждодларимиз ёзиб қолдирган фикҳий манбаларни, улар фойдаланган услубларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хоразм воҳасидан етишиб чиққан олим Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари ҳам ана шундай муаммоларни оқилона ҳал қилишга бағишланган. Асардан XIV-XV асрлар Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётига оид қимматли маълумотлар ўрин олган. Жумладан, диний таълимни назорат қилиш, ёшларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда ва уларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида оилада фарзанднинг тарбияси ва муносиб устоз қўлида зарурий билим эгаллашига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда дунё миқёсида ҳам мафкуравий таҳдидларни бартараф этишда инсонларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, уларнинг тафаккурини тўғри томонга йўналтриш муҳим омил эканлиги илмий асосда тасдиқланмоқда. Нидерландия халқаро муносабатлар институти “Клингендалъ”да амалга оширилган илмий тадқиқотда ҳуқуқий чораларни кучайтириш билан бирга, жамиятни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, бунинг учун ёшлар онгида “бунёдкорлик”, “бағрикенглик” тушунчаларини шакллантириш терроризмга қарши курашишнинг зарурий чораларидан бири деб кўрсатилган¹. Европа Комиссиясига қарашли “Change” (“Ўзгариш”) институтининг бир қатор олимлари ёшларда вайронкор ғояларга қарши бунёдкорлик ғояларини шакллантириш самарали восита эканлигини қайд этганлар². Қадим тарихга эга бўлган Шарқ халқлари жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда бебаҳо восита – аллома аждодлар қолдирган бой илмий, маънавий меросга эга. Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари ана шундай бебаҳо намуналардан биридир.

Республикамизда ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун маънавий муҳитни соғломлаштиришга давлат ва ҳукумат даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони³ билан ташкил этилган Ўзбекистон маҳалла ва оилани

1 Roel Meijer. Counter-Terrorism Strategies in Indonesia, Algeria and Saudi Arabia. – The Hague: Clingendael, 2012. – P. 46.

2 Asad Ahmad and others. Studies into violent radicalisation – The beliefs ideologies and narratives. – London: Diamorphos, 2008. – P. 4.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон фармони.

қўллаб-қувватлаш вазирлигининг оила ва маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, давлатнинг “Соғлом оила – соғлом жамият” сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этишида Муҳаммад Кардарийнинг оиладаги фарзанднинг ҳуқуқ ва бурчлари билан бир қаторда, ота-оналар масъулиятини ҳам аниқ белгилашга оид фикрлари маънавий, тарбиявий маълумот бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2995-сонли Қарори, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон ҳамда 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертациядан олинган натижалар илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлани-шининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муҳаммад Кардарий (729-816/1329-1413)нинг ҳаёти ва илмий фаолияти бўйича ҳозирги кунга қадар жаҳонда ва Ўзбекистонда маълум тадқиқотлар олиб борилган. Хайруддин Зириклий (1310-1396/1893-1976) “ал-Аълум”⁴, Абдулхай Лакнавий (1264-1304/1847-1889) “ал-Фавоид ал-Баҳийя”⁵ асарларида, шунингдек, Маҳмуд Кафавий (в. 990/1582), Хайриддин Рамли (993-1082/1585-1671) ва Минкаризадэ Яҳё Афанди (1018-1089/1609-1678) ларнинг табақотларида Муҳаммад Кардарий ҳаётига оид энциклопедик маълумотлар келтирилган. Шихобиддин Маржоний Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида қисқа маълумотлар берган ва бунда тадқиқотчи араб олимлари, хусусан, Хайруддин Зириклийнинг “ал-Аълум” асаридаги маълумотлардан фойдаланган⁶.

⁴ Қаранг: Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълум. – Ж. 4. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малойин, 1998. – Б. 28.

⁵ Қаранг: Абдулхай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-Баҳийя. – Байрут: Дор ал-Арқам ибн Али ал-Арқам, 1998. – Б. 291.

⁶ Қаранг: Юзеева А.Н. Очерки Марджани о восточных народах. – Казань: Татарское книжное издательство, 2003. – С. 46; Шихаб ад-дин Марджани. Вафийат ал-аслаф ва тахият ал-ахлаф

Ғарбда Муҳаммад Кардарий ва унинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари бўйича илмий тадқиқот олиб борилмаган. АҚШлик тадқиқотчи, Гай Бурак Усмонли салтанатидаги ҳанафий мактаби ҳақида 2015 йилда ёзган “Ислом ҳуқуқининг иккинчи шаклланиши” номли китобида Муҳаммад Кардарийнинг араб ва турк шаҳарларига сафар қилгани ва Фанорий билан учрашгани ҳақида маълумотлар келтириб ўтган⁷. Шунингдек, Ғарб тадқиқотчиларидан С.Самуэл, К.Ризви Интернетдаги мақолаларида олимнинг вафот этган йили, унинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари муаллифи эканлиги ва бу асар “ал-Фатово ал-Баззозия” номи билан машҳур бўлганлиги ҳақида маълумот берганлар⁸. АҚШлик исломшунос Хэйм Гэрбер ўзининг “Ислом ҳуқуқи ва маданияти (1600-1840)” номли китобида Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари машҳур фақиҳлардан, Хайруддин Рамли (1585-1671) ва Муҳаммад Амин Ибн Обидин (1783-1836)ларнинг фикрий масалаларда мурожаат қилувчи асосий манбаларидан бири бўлганлигини ёзган⁹. АҚШлик ҳуқуқшунос Жон Мақдиси Муҳаммад Кардарий ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида энциклопедик маълумотлар берган¹⁰.

Ўзбекистонда юридик фанлар доктори, профессор А.Ш.Жузжонийнинг “Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари” номли китобида¹¹ Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва олимнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган ҳамда муаллифнинг “Маноқиби Кардарий” асари ҳақида умумий маълумотлар берилган. Амалга оширилган тадқиқотларда Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асарида долзарб диний-ижтимоий масалалар ҳамда унинг тарихий жиҳати алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом

(подробное о предшественниках и приветствие потомкам) / Перевод с арабского, комментарий, вступительная статья и примечания д.фил.н. А.Н.Юзеева. – Казань: Иман, 1999. – С. 35.

⁷ Қаранг: Guy Burak. Second formation of Islamic law: The Hanafi school in the early modern Ottoman empire. – New York: Cambridge university press, 2015. – 294 P.

⁸ Қаранг: http://www.library.yale.edu/neareast/exhibitions/Islamic_book2.html; <http://www.idc.nl/faid/441faidb.html>; www.books.google.com-Nicolas_Aghnides. Islamic theories of finance: with an introduction to Islamic law. P. 185.; scholarspen.blogspot.com/2005/11/books-on-excellence-of-imam-abu.html.

⁹ Қаранг: Haim Gerber. Islamic law and culture, 1600-1840. – Leiden: Boston, 1999. – P.26.

¹⁰ John A. Makdisi. Islamic law bibliography.

¹¹ Жўзжоний, Абдулҳаким Шаръий. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тасдиқлаган. / Масъул муҳаррирлар: А.Х.Саидов, А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.

академияси “Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш “ISESCO” кафедрасининг “Ислом динининг эзгу моҳияти, инсонпарварлик жиҳатларини ёритиш ва уларни ёшларга етказиш” устувор режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Муҳаммад Кардарий “ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётидаги тутган ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, уни илмий тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIV-XV асрлардаги Хоразм ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганиш;

Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабига асосланган фикҳ илмининг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

Кардар маданияти ва илмий муҳитининг Хоразм маданияти ривожланишидаги ўрнини кўрсатиб бериш;

“ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг Ўзбекистон ва жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма, тошбосма нусхаларини аниқлаш ва асарнинг таркибий тузилишини ҳамда фикҳ илми ривожига таъсирини ўрганиш;

жамиятдаги ижтимоий масалалар, оила мустаҳкамлигини таъминловчи ўзаро муносабатлар тартиби ва фарзанд тарбиясига оид манбада келтирилган маълумотларни ўрганиш ва илмий муомалага киритиш;

“ал-Жомиъ ал-важиз” асаридаги бугунги кунда долзарб бўлган диний-ижтимоий соҳага оид масалаларга олимнинг ёндашув услуби ва мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи маълумотларни илмий муомалага киритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Муҳаммад Кардарийнинг фикҳ илмига оид “ал-Жомиъ ал-важиз” асари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Муҳаммад Кардарий “ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда илмий тавсифлаш, ретроспектив, анализ, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий ишнинг янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Ал-Жомиъ ал-важиз” асарида ижтимоий хавфли ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида кўриладиган чораларнинг тўрт босқичга бўлиниши, фарзанднинг тўғри билимларни эгаллашида ота-она, ахлоқини тузатишда ота ва қози, тўғри йўлга чорлашда жамият, ҳуқуқий чора кўришда ҳоким масъул қилиб белгиланганлиги илк бор асосланган ва бу чораларни бугунги кунда ахлоқни тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси ҳамда

ишни судга топшириш билан амалга ошириш мумкинлиги ҳақида илгари сурилган фикрлар қиёсий таҳлил асосида очиб берилган;

ижтимоий хавфли фаолият турлари, оила ва жамиятдаги назоратнинг йўқлиги сабабли фарзанднинг нотўғри билим олиш оқибатида оила ва жамият бундай фарзандни тўғри йўлга қайтара олмай қолиши, у бошқаларни ҳам ўз таъсир доирасига тортиши орқали жиноятга қўл уриши каби зарарлари илк бор “ал-Жомийъ ал-важиз” асари нотўғри тарбия ва маънавий муҳитнинг аянчли оқибатлари ва уларга қарши босқичма-босқич олиб борилиши лозим бўлган тарбиявий чора-тадбирларнинг илмий асоси далиллаб берилган;

“ал-Жомийъ ал-важиз” асарида диний, ғоявий ахборот хуружларидан жамиятни ҳимоя қилишда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, хорижийлар, муътазила, қадарийлар каби фирқаларнинг “такфир”, “жиход”, “эътиқод” тушунчаларини бузиб талқин қилишларига оид ғояларига Имом Саффорнинг “Талхис”, Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Сарахсийнинг “Мабсут” асарлари асосида раддия бериш, уларда келтирилган далилларни қиёсий таҳлил қилиш орқали илмий ва “Хилофа-л-ақл” (“Ақлга хилоф”) мантиқий асослаш услубларидан фойдаланилгани исботланди;

жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ёшларда маълумотларни мустақил таҳлил эта олиш қобилиятини шакллантириш, ҳар бир фарзанднинг таълим-тарбиясини назоратга олиш, ота-онаси унинг қандай илмларни ўзлаштираётгани, кимлар билан мулоқотга киришаётгани, мадрасада берилаётган илмларни назоратга олиш, давлат томонидан таълим ва тарбиянинг рағбатлантирилиши, ижтимоий тартибларга риоя қилмаганлиги учун жазолаш ва бундаги уч томонлама – оила, таълим муассасаси ва давлат ҳамкорлигининг зарурати ҳақида илгари сурилган фикрларнинг илмий асослари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

Муҳаммад Кардарий Хоразмийнинг “Девон” ва “Мухтасар ал-Фатаво ал-Баззозия”, Абдулғаффор Луқмон Кардарий Хоразмийнинг “Ҳайратул-фуқаҳо”, Абдусаттор Кардарий Хоразмийнинг “Радду ‘ала ман юанид”, Сулаймон Кардарийнинг “Шарҳ қасидат ал-мудария” асарларини таълиф этганликлари илк бор аниқланди ва илмий муомалага киритилди;

Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёти комплекс равишда ўрганилиб, унинг илмий мероси – “ал-Жомийъ ал-важиз”, “Маноқиб Кардарий”, “Девон” ва “Мухтасар ал-Фатово ал-Баззозия” асарларининг жами 123 та қўлёзма ва 8 та тошбосма нусхалари ҳамда Луқмон Кардарий Хоразмийнинг “Ҳайратул-фуқаҳо”, Абдусаттор Кардарий Хоразмийнинг “Радду ‘ала ман юанид”, Сулаймон Кардарийнинг “Шарҳ қасидат ал-мудария” асарларининг қўлёзма нусхалари

Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида сақланиши аниқланди;

Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари XIV-XV асрларда юзага келган диний-ижтимоий масалаларга ислом манбалари билан бир қаторда, ўша давр ижтимоий муҳитини ҳисобга олган ҳолда, ҳанафий мазҳабига асосланган билимлар асосида энг муносиб ечимни топишга бағишлаб ёзилган асар эканлиги далилланган;

асардаги мавзулар ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларга таснифланди. Натижада, ижтимоий соҳага оид мавзуларнинг 33 тани, яъни асарнинг 62% ини ташкил этиши XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда таълим, тарбия, оила ва жамиятдаги ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор қаратилганлиги, ижтимоий соҳа тараққиёти етакчи ўринда бўлганлиги далилланди;

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётида эътиқод билан боғлиқ бўлган ғоявий хуружлардан жамиятни ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бири бўлганлиги асосланган. Бунда айрим масалалар ечими бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, асарда рамазон ойи ва ҳайит кунларини белгилаш масаласида давлат ташқарисидан келган маълумотларга асосланмаслик, омма учун бу ва бошқа диний-ижтимоий масалаларда ўз диёридаги муфтийга итоат этиш шартлиги ҳақида ёзилган;

XIV-XV асрларда кўзга кўринган фикҳ илми намояндалари бўлган Муҳиддин Муҳаммад ибн Сулаймон Кофижий, Аҳмад ибн Фазл Хожитархоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Қримий, Шарафуддин ибн Камол Қримийларга Муҳаммад Кардарий устозлик қилганини кўрсатиб бериш орқали унинг ўша даврдаги нуфузли фикҳ илми намояндаси бўлганлиги илмий асосда исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимининг асосий фондида 6009-рақам остида ҳамда Туркиянинг Сулаймония кутубхонаси қўлёзмалар бўлими Яҳё Тавфиқ фондида 158-рақам остида сақланаётган “ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг қўлёзма нусхаларидан қиёсий фойдаланилгани, тадқиқотда холислик, объективлик, тарихийлик методларига таянилгани, тадқиқотнинг хулоса ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги асосий илмий хулосалар ва муҳим назарий умумлашмалар Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожини, XIV-XV асрлардаги диний-ижтимоий ҳаёт, ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг тадрижий босқичлари, оила ва бошқа ижтимоий мавзулар, ақидавий ихтилофларнинг ечимлари каби масалаларга бағишланган истиқболли илмий

тадқиқотларда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг амалий аҳамияти унинг натижаларидан олий ўқув юртларида диншунослик, тарих, исломшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, ислом тарихи, манбашунослик каби фанларнинг мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунини янгича ёндашувлар билан такомиллаштириш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек, асар Усмонли турк империяси Шайху-л-исломи Мулла Фанорий, Истанбул қозиси Абу Сауд, машҳур фақиҳ олимлар Хайрадин Рамли, Муҳаммад Амин Ибн Обидинларнинг диний-ижтимоий масалаларда мурожаат қилувчи асосий манбалари бўлганлиги асарнинг тарихдаги амалий аҳамиятини далиллайди. Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг 2017 йил 01 июндаги “Закотга оид фатволар”да (ўн учта фатвода яъни, 65-77 фатволарда), 2017 йил 14 июндаги “Беморлик, маййит ва дафнга оид фатволар”да (учта фатвода яъни, 56-58 фатволарда) “ал-Жомиъ ал-важиз” асаридан иқтибослар келтирилганлиги¹², Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг Интернетдаги расмий саҳифаларида саволларга берилган жавобларда, фатволарда “ал-Жомиъ ал-важиз” асаридан иқтибослар келтирилганлиги асарнинг бугунги кунда ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муҳаммад Кардарий “ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётидаги ўрнини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида қуйидагиларга эришилди:

жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солувчи, нотўғри ақидага эргашиш ва ноқонуний диний ташкилот тузиш ва ноқонуний диний ташкилот фаолиятига ҳисса қўшиш, ўзга дин вакиллариغا ҳурматсизлик ҳаракати, диний маросимларга амалда беҳурматлик билан муносабатда бўлишга оид натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан 2017 йил 29 мартдвги Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-421-сон Қонунни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 12 августдаги 85-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур Қонуннинг 1-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, жумладан, Жиноят кодекси 216, 216¹, 216², 145, 244¹

¹² <http://muslim.uz/index.php/fatvo/janoza>

моддаларининг янги таҳрирларида қамоқ жазоси олиб ташланиб, мажбурий жамоат ишлари ва ахлоқ тузатиш ишлари жорий этилди. Бунда жиноятнинг оқибат, зарарларининг турлари ва даражаларининг белгиланишида илмий ишнинг натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялари асос бўлиб хизмат қилган. Иш натижасида адашиб қолган кишиларни қамоқ жазосидан кўра, тарбиявий ишларни олиб бориш орқали уларнинг соғлом ижтимоий ҳаётга қайтариш асослари ишлаб чиқилишига эришилган;

2018 йил 03 апрель куни “Маҳалла” радио каналининг “Маърифий суҳбатлар” эшиттиришида кардарлик олимлар, хусусан, Муҳаммад Кардарий ва “ал-Жомийъ ал-важиз” асари мавзусида суҳбат уюштирилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” радиоканалининг 2018 йил 5 апрель 04-24-508 сон маълумотномаси). Натижада Муҳаммад Кардарий ҳаёти, илмий фаолияти, асарлари, жумладан, “ал-Жомийъ ал-важиз” асаридаги мавзуларнинг илмий-таҳлилий хулосалари, асарда келтирилган илм олишнинг фойдалари, фитнес ва бузғунчи ғоялардан узоқда туриш кераклиги каби тарбиявий маълумотларнинг ОАВда илк мартаба омма эътиборига ҳавола этилишига эришилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июндаги қабул қилинган “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон Қонунига диссертацияда экстремизм ва терроризмга қарши муросасизлик муносабатини шакллантириш, жамият хавфсизлигига таҳдид этувчи ғояларга қарши маърифат билан курашиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Далолатнома №84 12.08.2019й.). Натижада, мазкур Қонуннинг 7, 8, 11-моддаларини ишлаб чиқишда экстремизм ва терроризмга қарши муросасизлик муносабатини шакллантириш, жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғояларга қарши маърифат билан курашиш ва “оила, таълим муассасаси ва давлат ҳамкорлиги” комплекс усулидан фойдаланилган;

2018 ва 2019 йиллари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятига ҳамда “Call centre” (“Колл центр”) тизими фаолиятини шакллантириш учун илмий ишнинг маънавий таҳдидлар ва уларга қарши маърифат билан курашишнинг аҳамияти, ёт ғояларнинг илмий таҳлили ҳамда Рамазон ойининг биринчи куни ва Ҳайит байрами кунларини белгилаш тартибига оид натижалари жорий этилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маълумотномаси №1401-сон 29.05.2019й.). Натижада, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўзининг маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятида фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, диссертацияда диний -ижтимоий масалалар ечимига оид ишлаб чиқилган хулоса ва

тавсиялардан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан жорий этилган 2019 йил 03 майдан 03 июнгача бўлган муддатда Рамазон ойида рўза тутиш билан боғлиқ саволларга жавоб бериш тизими - "Call centre" фаолиятини шакллантиришда диссертациянинг Рамазон ойининг биринчи куни Ҳайит байрами кунларини белгилаш ва рўза тутиш тартибига оид натижаларидан фойдаланилган;

2019 йил 18 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг №2300-111/ҚҚ-492-111-сонли қўшма қарори ижросини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг давлат ва диний эътиқод эркинлиги соҳасидаги таклиф ва тавсияларини бериш бўйича "Йўл харитаси"нинг – "Диний таълим амалиётини такомиллаштириш бўйича таҳлилий ахборотларни тайёрлаш" деб номланган саккизинчи бўлимида диссертация натижаларидан, уч тарафлама - ота-она – таълим муассасаси – давлат томонидан назорат қилишнинг самарадорлиги, ёшларда олинган билимни мустақил таҳлил эта олиш қобилиятини шакллантириш ҳамда уларни бузғунчи ғоялар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда мазкур ҳамкорликнинг зарурлигига оид хулоса ва тавсияларидан фойдаланилган (Дин ишлари бўйича қўмитанинг далолатномаси №4155-сон 19.07.2019й.). Натижа, диссертациянинг диний таълим назоратидаги босқичлар, ҳар бир босқичдаги масъул томонлар ва уларнинг ҳамкорлик нуқталарига оид натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 1. "The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, Reality and prospect" (Прага, 2014), 2. "Science, Research, Development" (Belgrade, 2019), 3. "Конфессиалараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови" (Тошкент, 2014) номли халқаро анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, жумладан, 6 та мақола республика ва 6 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг **“XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-маънавий муҳит ва ҳанафий фикҳи ривожиди”** деб номланган биринчи бобида Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар томонидан ижтимоий бошқарувда ислом омилидан оқилона фойдаланилганлигига доир масалалар тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг *“XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрдаги илмий, ижтимоий-маънавий ҳаёт”* деб номланган биринчи бандида Мовароуннаҳрда XIV-XV асрларда турли фанлар ва ижтимоий-маънавий ҳолатнинг тараққий этишида олимларнинг ўрни таҳлил қилинган. Хусусан, фақиҳлар ва тасаввуф намояндаларининг халқ маърифатини ошириш билан ижтимоий бошқарувдаги хизматлари катта бўлган. Бунда, фақиҳларнинг турли соҳага оид фатволари халқ орасида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Жамиятдаги тартибни таъминлашда, хусусан, иқтисодиёт тармоғидаги тизимни назорат этишда ҳам фақиҳларнинг ўрни катта бўлган. Бу бошқа тизимлар қатори, солиқ тизимининг шаклланишига хос бир фатвода яққол кўринади. Муҳаммад Кардарий “ал-Жомийъ ал-важиз” (“Мўъжаз жамланма”) асарининг Корандалик бобида Иккинчи имом (Муҳаммад ибн Ҳасан)нинг “Корандачи ҳосилни терганда ва жамлаганда хирож тўлайди, ер эгаси эса ҳосилни терганда хирож тўлаши даркор Хоразм имомлари орасида бу фатво қарор топди”¹³, деган фатвоси келади. Мазкур фатво билан ўша даврда иқтисодий, ижтимоий меъёрларни тартибга солишда фақиҳ-имомларнинг ўрни Хоразмда етакчи бўлганлиги исботланган.

Мазкур даврда ҳукмдорлар томонидан ҳам, олимлар томонидан ҳам илм-фан тараққиёти, маънавий юксалиш учун тўғри ёндашув бўлганлигини кузатиш мумкин. “Темур тузуклари”да, Амир Темур давлат раҳбари бўла туриб ҳам саййидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара эътиборли одамлар

¹³ Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмий. ал-Жомийъ ал-Важиз. (Бундан кейин: ал-Жомийъ ал-Важиз.) – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 340 а.

ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйган¹⁴ ва бунинг маҳсули сифатида унинг салтанатида тараққиёт, хусусан, илмий, ижтимоий-маънавий соҳаларда юксалиш юз берган. Масалан, Мир Али Хаттот “Настаълқ” хатини такомиллаштирган, Абдулқодир Мароғий (1334-1435) ўн икки мақомни ижод қилган, Камолиддин Беҳзод (1455-1537) нафис санъат тасвири (миниатюрасозлик) соҳасида “Беҳзод мактаби”ни яратган, “Темур тузуклари”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Али Яздийнинг “Зафарнома” каби тарихий асарлари ёзилган, Муҳаммад Кардарий томонидан “ал-Жомиъ ал-важиз” номли фикҳий асар ёзилган ва бошқалар.

Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фаннинг тараққиётига оид тарихий манбалар, “Темур тузуклари”, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, “Зафарнома”, “ал-Жомиъ ал-важиз” каби асарлар тадқиқ этилган ва мазкур манбаларда келган маълумотлар қиёсий таҳлил этилган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда темурийларнинг ва бадавлат кишиларнинг маблағларига мадрасалар қурилганлиги ва бу мадрасаларда Қуръон, ҳадис, илоҳиёт, фикҳ каби диний илмлар билан бир қаторда, мантиқ, математика (риёзиёт), ҳандаса (геометрия), астрономия (илми нужум), тиббиёт, тарих, география (жуғрофия), адабиёт каби дунёвий фанлар ҳам ўқитилганлиги, илм аҳли салтанат томонидан маош ва нафақа билан рағбатлантирилганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Бунга далил сифатида Соҳибқироннинг “Тузуклар”ида саййид, табиб, мўйсафид, уламо, дарвеш ва роҳибларга маош ва нафақа тайинлаш ҳамда мадраса мударрисларига алоҳида ҳақ беришга оид қарори келтирилган¹⁵.

Ушбу бобнинг *“Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби фикҳининг ривожланиш босқичлари”* деб номланган иккинчи бандида фикҳ илми, унинг Мовароуннаҳрга кириб келиши ва тараққий этиш босқичлари ҳақида сўз юритилган.

Биринчи босқич VIII-X асрларни ўз ичига олади. Бу босқичда Бухорода Абу Ҳафс Бухорийнинг мактабида “усул ал-фикҳ” билан бир қаторда, “фуруъ ал-фикҳ”нинг ҳам ривожланганини, Самарқандда эса, Абу Муқотил Самарқандий ва Абу Бакр Жузжонийларнинг мактабларида, асосан, “усул ал-фикҳ”нинг тараққий этганини кузатиш мумкин.

Ислом ҳуқуқшунослигидаги тўрт мазҳабдан бири ҳисобланмиш ҳанафийлик мазҳаби Ироқда шаклланиб, IX асрда Мовароуннаҳр ҳудудига кириб келган. Буни мазкур мазҳаб доирасида минтақада ёзилган илк асарлар ва уларнинг муаллифларини аниқлаш орқали

¹⁴ Қаранг: Темур тузуклари / Форсчадан Соғуний А. ва Караматов Ҳ. таржимаси. Аҳмедов Б. таҳрири остида / Сўз боши ва изоҳлар: Аҳмедов Б. (Бундан кейин: Темур тузуклари) – Т.: Ғ. Ғулом, 1996. – Б. 70.

¹⁵ Темур тузуклари. – Т.: Ғ. Ғулом, 1996, – Б. 121.

билиб олиш мумкин. Булар жумласига Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 208/823) нинг “Китоб ал-олим ва-л-матааллим” асари, Абу Бакр Муҳаммад ибн Ямин Самарқандий (ваф. 333/944-45)нинг “Китаб ат-тавҳид” асари ва бошқалар киради¹⁶.

Абу Мансур Мотуридий Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабининг ривожланишига, хусусан, “усул ад-дин” (“фиқҳ асослари”) ва “илм усул ад-дин” (“фиқҳ асослари фани”) соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган. Унинг тўлиқ исми – Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳанафий Самарқандий Мотуридий бўлиб, олим калом илмида янги бир йўналиш, икки мактабдан бири – мотуридия калом мактабига асос солган.

Ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳр ҳудудида ривож топишида Абу Бакр Розийнинг ҳам хизмати катта. Олимнинг тўлиқ исми – Аҳмад ибн Али Розий (305-370/907-981). У ҳанафий фиқҳи олимларидан бири бўлиш билан бирга, ҳадисшунослик, тилшунослик ва тафсиршунослик илмларини ҳам чуқур эгаллаган. Олим “Шарҳ ал-Жомеъ ал-кабир ли Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний”, “Шарҳ ал-Жомеъ ас-сағир ли Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний”, “Шарҳ ал-Маносик ли Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний”, “Шарҳ Мухтасар ал-Кархий”, “Усул ал-Фиқҳ” каби асарларни таълиф этган¹⁷.

Иккинчи босқич XI–XIII асрларни ўз ичига олади. Бу даврда “усул ал-фиқҳ” билан бирга “фуруъ ал-фиқҳ”га оид асарлар, фатво китоблари ёзилган. Мовароуннаҳр аҳолисининг ҳаёт тарзида келиб чиққан янги масалалар фақиҳ олимларнинг янги ечимларни топиб, халққа етказиш устида ишлашларига сабаб бўлган. Жумладан, XI асрга келиб, “Усул ал-фиқҳ” бўйича илмий изланишлар олиб борган олимлардан. Абу Зайд ад-Дабусий, Шамс ал-аимма Сарахсий ва Фахр ал-ислом ал-Паздавийлар ижод этган рисоалар бу ҳудудда фиқҳ тараққиёти кейинги босқичларининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Учинчи босқич XIV-XV асрларни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда Мовароуннаҳрда Амир Темур даврига келиб, илмий ва маданий ҳаёт ривожланди, Буюк ипак йўли тикланди. Натижада, шаклланган янги масалалар фақиҳ олимларнинг янги асарлар ёзиб, илмий изланишларига, айниқса, “қози одоби” соҳасида ёзган асарлари “фуру ал-фиқҳ”нинг ривожланишига асосий омил бўлди. Ҳанафийлик билан бир вақтда, шофеъийлик мазҳаби ҳам муайян даражада ривожланган. Хоразмнинг Кардар шаҳридан етишиб чиққан фақиҳ Муҳаммад ал-Кардарий ал-Баззозий сара фавтоларни жамлаб ёзган ҳанафийликка оид “ал-Жомеъ ал-Важиз” асарида турли масалаларни, хусусан,

¹⁶ Қаранг: Мўминов. А. К. Роль и место ханафитских улама в жизни городов центрального Мавараннахра: автореф.дисс. ... доктор ист. наук. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 57-58.

¹⁷ www.tiu.uz

маҳаллий масалаларни ечишда “Қуръон ва ҳадис”, яъни Қуръон ва суннат билан бирга, 30 дан зиёд фақиҳ олимларнинг фатволаридан фойдаланган. Шунингдек, асарда ҳанафий фақиҳларининг фикрларига қиёсан Имом Шофеъийнинг ҳам фикрлари келтирилган.

XIV асрда яшаган фақиҳ олим Низомуддин Шоший шофеъийлик мазҳабига оид “Шарҳ рисола аш-шофеъий фи ал-фиқҳ ала мазҳабиҳи” ва “Шарҳ фуруъ фи мазҳаб аш-шофеъий” асарларини ёзган. Бундан келиб чиқадики, Мовароуннаҳр аҳолисининг, асосан, ҳанафий ва қисман шофеъийлик мазҳаби фақиҳларига эҳтиёжлари бўлган. Бу, ўз навбатида, мазкур фақиҳларнинг таъсир доиралари кенг бўлганлигини англатади.

XIV аср охири ва XV аср бошларида минтақада фақиҳлар билан бирга, тасаввуф намояндарининг ҳам таъсир доираси кенгая бошлади. Бунга Соҳибқирондан кейин юзага келган зиддиятли сиёсий вазият сабаб бўлди, дейиш мумкин. Бу даврга келиб, фақиҳларнинг фатво китобларидан нусхалар кўчиришнинг ортиб бориши, бир томондан, аҳолининг фақиҳларга бўлган эҳтиёжлари сақланиб қолганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, у даврдаги тасаввуф таълимоти ислом қонун-қоидалари доирасида бўлганлигини англатади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Кардар маданияти ва Муҳаммад Кардарий илмий меросининг аҳамияти”** деб номланган. Унда Кардар маданияти Хоразм маданиятининг бир қисмини ташкил этиши, Кардар шаҳри тарихи ва географик жойлашуви аниқ кўрсатилган, Муҳаммад Кардарий ҳаёт фаолияти, олимнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари ва унинг фиқҳ илми ривожигаги ўрни очиқ берилган.

Мазкур бобнинг биринчи банди *“Кардар маданияти ва илмий муҳитининг Хоразм маданияти ривожланишидаги ўрни”* деб номланган. Хоразм маданиятининг бир қисмини ташкил этувчи Кардар маданияти ҳудуди Кардар, Қўрғонча, Чимбой ва Дарсан шаҳарларини ўз ичига қамраб олади. Тарихий маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, эрамизнинг III асрига келиб, Амударё ўзанидан чиққан Кардар каналининг етиб келиши Кардарнинг шаҳар сифатида шаклланишига асосий омил бўлган. Кардар маданияти тарихи икки босқичга бўлинади: биринчи босқич – VI-VIII асрларга тўғри келиб, Қуюқ-қалъа, Гурганч ва Тўқ-қалъанинг қуйи қисмини ўз ичига қамраб олади. Иккинчи босқич эса – IX-XI асрларга тўғри келиб, Тўқ-қалъанинг юқори қисми ва Айвон-қалъани ўз ичига олган¹⁸.

Кардар маданияти ривожига ҳисса қўшган олимлар ҳақидаги маълумотлар, асосан, араб ва форс тилларида ёзилган манбаларда келтирилади. Жумладан, XIX аср муаррихи Абдулҳай Лакнавий (1264-

¹⁸Қаранг: Мамбетуллаев М. История изучения памятников приаральской дельты Амударьи/www.kerder.ndpi.uz

1304/1847-1889) ўзининг “ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия” (“Ҳанафий фақиҳлари таржимаи ҳоллари бўйича ажойиб фойдалар”) асари ҳамда ХХ асрда яшаб ижод этган араб олими Хайруддин Зириклийнинг “Ал-аълум” (“Машҳур кишилар”)¹⁹ асари ва Али Акбар Қазвинийнинг форсча “Деҳҳудо”²⁰ луғатномаси ва бошқа манбаларда хоразмлик, хусусан, кардарлик олимлар ҳаёт йўллари ва илмий фаолиятлари ҳақида келтирилган қимматли маълумотлар асосида карларлик олимлар рўйхати тузилган ва уларнинг ҳаёти фаолиятлари ёритилган. Масалан, Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмий²¹, Абулважд Шамсул аимма Кардарий Хоразмий, Тож ад-дин Абу-л-Мафохир ал-Кардарий²² каби фақиҳ олимлар ҳақида ёзилган. Бу каби олимларнинг етишиб чиқишлари минтақада ислом ҳуқуқшунослигининг тараққий этганини кўрсатади.

Луғатноме қомусида Кардар – тоғнинг пастки қисми деб таржима қилинади²³. Академик Я.Ғуломов ҳам Кардар ҳудудига тўғри келувчи Айвон-қалъа пастликда жойлашишига қарамай, унинг баланд деворлари сув тошқинидан сақлаганлиги учун шундай, яъни Айвон-қалъа деб номланганлиги ҳақида ёзади²⁴. Айвон-қалъа Кардар шаҳрида жойлашган. Абдул-Ғаффор ибн Луқмон Кардарий “Кардар”ни Хоразмдаги вилоят, деб ёзиб қолдирган²⁵. Бундан келиб чиқадики, Кардарнинг Айвон-қалъа қисми шаҳар, қолган қисми қишлоқ ҳисобланган.

Кардар ўзанининг Султон Увайс тоғи²⁶ яқинидан оқиб ўтганлиги²⁷ ҳамда Султон Увайс тоғ тизмасининг ғарб томондан энг охириги қисми – Шайхжалил баландлигининг²⁸ олдидан (пастки қисмидан) оқиб ўтганлиги²⁹ ҳам Кардар сўзининг тоғнинг пастки қисми, деган маъно англатишини тасдиқлайди.

¹⁹ Хайруддин аз-Зириклий. ал-Аълум. – Ж. 7. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайин, 1998. 458 б.

²⁰ Қаранг: Loghatname (Encyclopedic Dictionary). Chief Editors: Mohammad Mo'in & Ja'far Shahidi. – Tehran: Tehran University Publication, 1993-4. – P. 21844-21924.

²¹ Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълум. – Ж.4. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1998. – Б. 28.

²² Ал-Лакнавий Абдулҳай. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-исломий. – Б. 291.

²³ Қаранг: Loghatname (Encyclopedic Dictionary). Chief Editors: Mohammad Mo'in & Ja'far Shahidi. – Tehran: Tehran University Publication, 1993-4. – P. 21844-21924.

²⁴ Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т.: Фанлар академияси, 1959. – Б. 137.

²⁵ Ал-Лакнавий Абдулҳай. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-исломий, – Б. 283.

²⁶ Тизманинг бу номи сўфий Увайс Қорний билан боғлиқ.

²⁷ Қаранг: Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1959. – Б. 168.

²⁸ Шайхжалил баландлиги қояли баланд тоғдан иборат бўлиб, у шимоли-ғарб томонга қараб тахминан 8 км масофага чўзилгандир.

²⁹ Қаранг: Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1959. – Б. 23.

Ушбу бобнинг *“Муҳаммад Кардарий “ал-Жомиъ ал-важиз” асари ва унинг фикҳ илми ривожига таъсири*” номли иккинчи бандида Муҳаммад Кардарий ва унинг илмий мероси, олимнинг ҳаёти ва фикҳ илмига қўшган улкан ҳиссаси тадқиқ этилган. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шиҳоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад Кардарий Баззозий Хоразмий ҳанафий мазҳабининг йирик фақиҳ олимларидан бўлиб, ҳижрий 729-816/1329-1413 йиллари яшаган³⁰. Манбаларда олимнинг вафоти бўйича турлича, жумладан, 827/1424³¹ йили рамазон/август ойининг ўрталарида³², рабиус-соний/3март ойида³³, 829/1425 йили³⁴ каби маълумотлар келтирилган. Олимнинг *“Баззозий”* деб аталишига қараганда у газлама тижорати билан шуғулланган³⁵. Ғарб адабиётларида кўп ҳолларда олимнинг исми Муҳаммад Кардарий эмас, балки Муҳаммад Курдарий, деб келтирилган. Олим илк таҳсилини отаси Носируддин Кардарийдан олиб, кейинчалик юксак даражада такомиллаштирган. Самарқанд, Бухоро шаҳарларига,³⁶ Булғор, Туркияга³⁷ сафар қилган, ҳажга борган. Муҳаммад Кардарий бир нечта асарлар ёзган. Уларнинг орасида энг машҳури *“ал-Жомеъ ал-важиз”*³⁸ бўлиб, мазкур асар халқ орасида *“ал-Фатово ал-Баззозия”* номи билан машҳур³⁹.

У Итил (Волга) дарёсининг ёнидаги Сарой шаҳрида маълум муддат яшаган. Кейинчалик Қрим шаҳрига сафар қилиб, у ерда ҳам бир неча йил яшайди. Қримда олимлар, имомлар ва фақиҳлар билан суҳбат қилиб, улар билан мунозара ўтказган. Манбаларда бу ерда унинг шогирдларидан Муҳиддин Муҳаммад ибн Сулаймон Кофижий, Аҳмад ибн Фазл Ҳожитархоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Қиримий, Шарафуддин ибн Камол Қиримийлар зикр этилган.

Маълумки, Абу Ҳанифанинг фикҳий мактаби *“раъй”* (фикр ва ақл билан ҳукм чиқриш)ни ўз ичига олган бўлиб, китобда ҳам унга кенг ўрин берилган. Шунингдек, Муҳаммад Кардарийнинг *“ал-Жомеъ ал-*

³⁰ Ал-Жомиъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 01 а.

³¹ Шестрбитий. – №. 4388.

³² Юзеева А.Н. Очерки Марджани о восточных народах. – Казань: Татарское книжное издательство, 2003. – С. 46.

³³ Юзеева А.Н. Вафият ал-аслаф ва тахият ал-ахлаф / подробное о предшественниках и приветствие потомкам / – Казань: Иман, 1999. – С. 35.

³⁴ Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 233.

³⁵ Баззоз–(арб.) газлама сотувчи, газламачи маъноларини англатади.

³⁶ Ал-Жомиъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 01 а.

³⁷ Юзеева А.Н. Очерки Марджани о восточных народах. – Казань: Татарское книжное издательство, 2003. – С. 46.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида асар қўлёзма нусхасининг биринчи жилди 6644 рақами остида сақланади.

³⁹ Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1998. – Ж. 4. – Б. 45.

важиз” асарида ҳам масалаларни ечишда “қиёс” ва “истеҳсон” “урф”дан унумли фойдаланилганини кўриш мумкин. Бу услублар, бир томондан, асарнинг ҳанафий мазҳабига мувофиқлиги, минтақа аҳолисининг турмуш тарзидан келиб чиқилганлиги ва ишончилиги билан тавсифлайди. Иккинчи томондан эса, олимнинг “қиёс” ва “истеҳсон” услубларининг ривожланишидаги улкан ҳиссасини кўрсатади.

Ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларни ўз ичига қамраб олган “ал-Жомеъ ал-важиз” асарида юртимиз тарихи ва ислом ҳуқуқшунослигига оид керакли маълумотлар келтирилган. Асарда Абу Ҳанифа, Муҳаммад Шайбоний, Бурҳониддин Марғиноний, Сарахсий, Абул-Лайс ас-Самарқандий, Абуҳафс Насафийларнинг ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Хоразмнинг ҳанафий мазҳабидаги бошқа фақиҳлари фатволарининг келтирилиши асарнинг ишончилиги ва аҳамиятининг юқори даражада эканлигини кўрсатади.

Асар Усмонли турк империяси Шайху-л-исломи Мулла Фанорий, Истанбул қозиси Абу Сауд, машҳур фақиҳ олимлар Хайрадин Рамли, Муҳаммад Амин Ибн Обидинларнинг диний-ижтимоий масалаларда мурожаат қилувчи асосий манбалари бўлганлиги ёритиб берилган ва бу билан асарнинг аҳамияти ва ишончилиги асосланган.

“Ал-Жомеъ ал-важиз” асари “Таҳорат”дан бошланиб, “Мерос” боби билан тугаган ва 53 та боб, 241 фаслдан иборат. Асарнинг таркибий таҳлили унга энг кўпи ижтимоий, кейин иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларга оид муҳим маълумотлар киритилганлигини кўрсатади. Мавзулар ва уларда акс этган ижтимоий, тарихий жараёнларни тўлақонли таҳлил қилиш учун асарнинг “Никоҳ” боби танлаб олинди. Мазкур боб олтинчи ўринда зикр этилган. У 19 та фасл ва 3 жуздан иборат никоҳни боғловчи лафзларни келтириш билан бошланган. Бунга минтақа аҳолисининг ҳаётдан мисоллар келтирилган. Шунингдек, мазкур китобнинг биринчи фаслида муътазилийлар билан оила қуриш нотўғрилиги, Шофеъий мазҳабидаги аёлларга уйланиш мумкинлиги, бу мазҳабдагиларга қиз бериш нотўғрилиги ҳақида ёзилган⁴⁰. Демак, бу даврга келиб, одамларда мавжуд шарият қоидаларига нисбатан саволлар кўпайган ва тушунишга осон бўлиши учун мисоллардан фойдаланилган. Бу бир томондан, асарнинг ўз даврига хос жиҳат, ижтимоий ва илмий тараққиётни ифодалайди. Иккинчи томондан, минтақа аҳолисида тасаввуфга оид қарашлар таъсирининг ортиши сабабини кўрсатади. Кардарийнинг “Хоразмда муътазилий аёлларга уйланиш ҳолатлари ҳақида эшитдим”, деб ёзиши, олим яшаган даврда муътазилия таълимотининг Хоразмда

⁴⁰ Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмий. ал-Жомеъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. –В. 100 б.

мавжуд бўлганлигини англатади.

Бугунги кунда асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари юртимизда ва жаҳондаги турли қўлёзма кутубхоналарида сақланаётгани аниқланган ва рўйхати тузилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида асар қўлёзма нусхасининг биринчи жилди 6644 рақами остида сақланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида асар қўлёзма нусхасининг тўлиқ шакли 6009 рақами остида сақланади.

3. Искандария кутубхонасининг қўлёзмалар фондида асарнинг қўлёзма нусхаси Б428/1608 рақами остида сақланади.

4. Сулаймония кутубхонаси Қўлёзмалар бўлимида асарнинг қўлёзма нусхаси 1125 рақами остида сақланади.

5. Сулаймония кутубхонаси Қўлёзмалар бўлимида асарнинг қўлёзма нусхаси 1124 рақами остида сақланади.

6. Сулаймония кутубхонаси Қўлёзмалар бўлимида асарнинг қўлёзма нусхаси 158 рақами остида сақланади.

7. Сулаймония кутубхонаси Қўлёзмалар бўлимида асарнинг қўлёзма нусхаси 00630 рақами остида сақланади.

8. Сулаймония кутубхонаси Қўлёзмалар бўлимида асарнинг қўлёзма нусхаси 01124 рақами остида сақланади.

9. Мичиган кутубхонасида асарнинг қўлёзма нусхаси 70 рақами остида сақланади.

10. Ҳожи Сэлим Оға фондида асарнинг қўлёзма нусхаси 424 рақами остида сақланади.

11. Токио университети ҳузуридаги Шарқ маданияти институти кутубхонасининг араб тилидаги қўлёзмалар фондида асарнинг қўлёзма нусхаси Ms. 38. рақами остида сақланади.

12. Яман қўлёзмалар кутубхонасида асарнинг қўлёзма нусхаси 1368- рақам остида сақланади.

13. Кувайт қўлёзмалар кутубхонасида асарнинг қўлёзма нусхаси 2885- рақам остида сақланади.

Юқоридаги рўйхатдан 3-11 бўлган тартиб рақамлардаги жами 9 та қўлёзма нусхалар жамланиб, илмий таҳлил этилди.

“Ал-Жомеъ ал-важиз” асарини ўз ичига олган бошқа асарларнинг ҳам тошбосма ва қўлёзма нусхалари юртимизда ва жаҳондаги турли қўлёзма кутубхоналарида сақланмоқда, жумладан:

1. Ҳожи Сэлим Оға фондида “Фатовои Ҳиндия” (Фатовои Оламгирия) асарининг қўлёзма нусхаси 00447 рақами остида сақланади.

2. Токио университети ҳузуридаги Шарқ маданияти институти кутубхонасининг араб тилидаги қўлёзмалар фондида 2074 рақами остида сақланаётган “Ҳадият Ибн ал-Имад ли-ибадат ал-

уббад” асари қўлёзма нусхасининг ҳошиясига “ал-Жомеъ ал-важиз” асаридан олиб ёзилган.

3. “Вақфия” номли электрон кутубхонанинг фикҳга оид қўлёзмлар бўлимида 217.9 рақами остида асарнинг тошбосма нусхасининг электрон шакли жойлаштирилган. Асар жами 6 жилддан иборат бўлган “ал-Фатово ал-Оламгирия” асари тошбосма нусхаси 4, 5, 6 жилдларининг ҳошиясига ёзилган.

4. Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида 3 қисмга бўлиб, жами 6 жилддан иборат бўлган “ал-Фатово ал-Оламгирия” асари тошбосма нусхаси 4-, 5-, 6- жилдларининг ҳошиясига ёзилган. Мазкур тошбосма нусхалар 119-, 112-, 157-рақамлари остида сақланади.

5. Ҳожи Сэлим Оға фондида “Фатовои Оламгирия” асарининг тошбосма нусхаси 00448 рақами остида сақланади.

Юқоридагилардан 1-3 бўлган тартиб рақамлардаги жами 3 та тошбосма нусхалар жамланиб, илмий таҳлил этилди.

Бундан ташқари, олим қуйидаги асарларни ҳам таълиф этгани бизга маълум:

1. “Маноқиб ал-Кардарий”.
2. “Мухтасар фи баён таърифат ал-аҳком”.
3. “Адаб ал-қозий”.

Мазкур асарлардан бизгача етиб келгани “Маноқиб ал-Кардарий” асари бўлиб, асарнинг тўлиқ номланиши “Маноқиб ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа”дир. Бу асар Абу Ҳанифа ҳақидаги жуда машҳур манбалардан ҳисобланади. Мазкур асарнинг тошбосма нусхаси Сулаймония кутубхонасининг қўлёзмалар фондида 2109 рақами остида сақланади.

“Ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг ўз давридаги долзарблиги ва бугунги кундаги аҳамиятига оид объектив хулосаларни чиқариш мақсадида мазкур асар Бурҳониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя”⁴¹ асари билан қиёсий таҳлил этилди. Натижада, иккала асар ҳам “Таҳорат”дан бошланиб, “Мерос” боби билан тугаши, шу билан бирга, 57 та боб ва 152 фаслдан иборат “ал-Ҳидоя” асаридаги боблар сони “ал-Жомиъ ал-важиз” асаридагига нисбатан тўрттага кўп, фасллар эса, 89 тага кам эканлиги аниқланди.

“Ал-Жомиъ ал-важиз” асари “ал-Ҳидоя” каби ҳанафий мазҳабига оид фикҳий асарлардан фойдаланиб ёзилган. Лекин, “ал-Жомиъ ал-важиз” асарини бошқа фикҳий асарлар, жумладан, “ал-Ҳидоя”дан ажратиб турадиган асосий жиҳати, асарда келтирилган диний масалалар ва уларнинг жавоблари Мовароуннаҳр, хусусан, Хоразмнинг XIV-XV асрлардаги тарихини қамраб олган.

⁴¹ Ал-Ҳидоя Бурҳониддин Марғинонийнинг Бидоят-л-мубтадий шарҳи Абдулҳай Лакнавий шарҳи билан. –Карачи: Куръон ва ислом фанлари, 1987. –Ж. 3. –Б. 3-137.

Диссертациянинг учинчи боби “ал-Жомиъ ал-важиз” асарида диний-ижтимоий масалаларга берилган ечимлар” деб номланиб, унда “ал-Жомиъ ал-важиз” асарида ўз ифодасини топган Мовароуннаҳрдаги диний-сиёсий жараёнлар ва ҳамжиҳатликда яшаш, бағрикенглик тамойиллари каби ижтимоий масалаларга берилган ечимлар таҳлилий ёритилган.

Мазкур бобнинг биринчи банди “Мовароуннаҳрдаги диний-сиёсий жараёнларнинг асарда акс этиши” деб номланган. Асарда диний-сиёсий жараёнлар бевосита келтириб ўтилмаган. Лекин ҳар бир масала – у хоҳ ибодатлар, хоҳ муносабатларга алоқадор бўлсин, ечимларда диний-сиёсий жараёнларнинг бевосита ва билвосита таъсир доираси сезилади.

Дин уламолари, хусусан, имомлар ўзларининг дин соҳасидаги фикрлари, фатволари билан ижтимоий бошқарувда ўринлари катта бўлганлиги асосланган. Имом, муфтий ва қозиларнинг фаолияти бир бутун тизимни ташкил этиши, улар орасида маҳаллий муфтийнинг юқори ўринга қўйилиши ёритиб берилган.

Асарда хорижий, кайсоний, рофизий, язидийлар каби оқимларнинг таълимотлари тўғри эмаслигининг илмий асосланиши ёт ғояларга қарши курашишда ҳам дин уламоларининг хизматлари катта бўлганлигини кўрсатади. Бундан тушуниладики, маънавий таҳдидларга қарши курашиш сиёсатида “Жаҳолатга қарши маърифат” услубидан унумли фойдаланилган.

Тарихий манбалар шуни англатадики, Амир Темур ва темурийлар даврида юқоридаги каби олимлар ижтимоий жиҳатдан ҳам таъминланганлар. Шу жумладан, “ал-Жомиъ ал-важиз асарида: “Солиқдан шаклланган (тўлдирилган) ғазнадан Султон нафақа (садақа) фондига беради. Ушрдан тушган маблағлар фақирларга берилади, хараж (солиқ)дан тушган маблағларни барчага бериш мумкин”⁴², деб ёзилган. Демак, олим яшаган даврда ҳам Мовароуннаҳрда ижтимоий ҳимоя давлат даражасидаги масала бўлган. Давлат ғазнаси бир неча воситалар, жумладан, солиқ билан ҳам тўлдирилган. Нафақа фонди ҳам мавжуд бўлган.

Бу масала “Темур тузуклари”да ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Соҳибқирон ижтимоий ҳимоя борасида қуйидаги фармонларини чиқарган: “Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвешлари, зоҳидларини суюрғол, вазифа ва ойлик билан сийласинлар. Фақир мискин, бирор касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларга кундалик маошларини белгиласинлар. Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос, таом

⁴² Ал-Жомиъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 51 а.

ва чироқ билан таъминласинлар”⁴³.

Муҳаммад Кардарий ва бошқа фақиҳларнинг тасаввуф таълимоти ва вакилларига муносабатлари ҳам ёритилган. Бунда фақиҳларнинг муносабатлари турлича бўлганлиги, жумладан, Муҳаммад Кардарий тасаввуф таълимотига қарши бўлмаганлиги, фақат ислом дини таълимотларига зид бўлган ҳолатларга муносабат билдиргани асослаб берилган.

Бобнинг *“Асардаги ижтимоий масалаларнинг ўзига хос ифодаси”* номли иккинчи бандида олим яшаган даврдаги ижтимоий масалаларнинг бугунги кун учун ҳам аҳамиятли эканлиги таҳлил этилган. *“Ал-Жомиъ ал-важиз”* асарининг *“Закот”* бобида олим тўхталган ижтимоий масала бугунги кун муаммоларини ҳам ҳал қилиб беради⁴⁴. Жумладан, камбағаллик ва қашшоқлик асарда таърифи келтирилган фақирликнинг турларида акс этади. Муҳаммад Кардарий берган таърифи оиладаги масъулият масаласини ҳам ўз ичига олган. Бу ерда, аввало, касб қилишга алоҳида эътибор берилган. Чунки, кишининг ўзида хоҳиш бўлмаса, ўзи ҳам ҳаракат қилмаса, унга шакллантирилган шароитлар самара бермайди. Таърифда, шунингдек, отанинг оиласи, ота-онаси, буви, бувасининг таъминотлари масъулияти акс этган. Бунда ҳатто фақир киши ҳам масъул эканлигини кўриш мумкин. Зеро, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан таъминланган оилалардан юрт фарзандлари етишиб чиқади.

Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тарихдан Амир Темур каби халқпарвар давлат раҳбарлари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келганлар. Бугунги кунда ҳам бу борада қатор мисолларни кўришимиз мумкин. Жумладан, жорий йилнинг 27 февраль куни Президентимиз раислигида тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тадбиркорликни ривожлантириш, бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналарини ташкил этиш, зарур инфратузилмани яратиш бўйича лойиҳалар қилиниши ва бунинг учун 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.⁴⁵

Олим, шунингдек, пул бирликлари ва уларнинг қийматлари ҳақида фикр билдирар экан, муносабатга киришаётган икки тарафнинг манфаатларини тенг кўриш, савдода бир тарафнинг иккинчи бир тарафга зарар етказиб савдо қилишини шариат талаблари асосида ман этилишини баён қилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу бўлимда берилган масалалар тарихий

⁴³ Темур тузуклари. – Т.: Ф. Ғулом, 1996. – Б. 121.

⁴⁴ Ал-Жомиъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 31 б.

⁴⁵ <http://uza.uz/oz/society/kichik-sanoat-zonalari-angrenda-a-vol-anday-09-03-2020>

жиҳатдан айна мана шу Кардарий яшаган даврда вужудга келганлиги учун, бу каби масалалар аввал ўтган фақиҳлар асарларида учрамайди. Бу бир томондан, асар ўзида ўша давр диний-ижтимоий ҳаётига оид маълумотларни акс эттишини англатади. Иккинчи томондан, олимнинг ижтиҳодидаги масалаларни нозиклик билан ҳал этиш жараёнларини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, Муҳаммад Кардарийнинг инсон қалби борасида келтирган қарашлари кўп жиҳатдан ўзидан аввалги олимлар фикрини тўлдирган. Олим асарнинг “Ният” мавзусини ўз ичига олган “Намоз” бобида қалбга алоҳида эътибор қаратади. Бу ўринда ибодат қилувчининг қалб ҳолати келтирилади. Масалан, бир киши бомдод адо этишга қалбида ният қилса-ю, тилида адашиб “пешин” намозининг ниятини айтса, унинг дилидаги нияти қабул бўлади⁴⁶. Ушбу ёндашув билан инсон авваламбор қалбини поклаши, ниятини яхши қилиши лозим, шундагина унинг айтган сўзи ва қилган ишидаги баъзи хато-камчиликлар кечирилиши мумкин деган фикр асосланган. Бу масаланинг ижтимоий жиҳатдан муҳимлиги шундаки, биз баъзан жамият аъзолари орасида фикрини ўйлаганидек ифодадай олмаслик натижасида келиб чиқувчи зиддиятли ҳолатларни кузатамиз. Масалан, шундай тоифалар борки, ибодатдаги камчиликлари учун мусулмон кишини “куфр”да айблаб, жамият ва ҳукуматнинг эзгуликка асосланган қадриятлари ва мафкурасини тан олмай, “ҳижрат” қилиш, “кофирлар ҳукмронлигидан қутулиш” учун “жиҳод” қилиш каби ғояларни илғор сурадилар⁴⁷. Олимнинг қалбга қараб берган ечими эса, ана шундай ихтилофларнинг олдини олувчи омил сифатида асарнинг бугунги кундаги қийматини ҳам оширади.

“Киши ибодатнинг нотўғри услубини ўрганиб қилса, унга мазкур ибодатнинг тўғри ҳолатини такрор қилиш шарт бўлмайди. Ким ибодатни ўзи билмаган услубда қилса, унга мазкур ибодатнинг тўғри услубини ўрганиб, қайтадан қилиши лозим бўлади”⁴⁸, деб ёзилади асарда. Бу фатвода ҳам инсоннинг ниятига эътибор берилганини кузатиш мумкин. Чунки, биринчи ҳолатда киши ўзи билмаган ҳолда ибодатни нотўғри услубда амалга оширган бўлса-да, нияти ибодатни тўғри қилиш бўлган ва у шунга ҳаракат қилган. Иккинчи ҳолатда эса, кишининг нияти ибодатни мукаммал амалга ошириш эканлиги кузатилмайди.

Асарнинг “Ният” бобида олим ният истилоҳига қуйидагича таъриф беради: “Ният қалб билан тушунишдир”⁴⁹. Бу ерда олим

⁴⁶ Ал-Жомиъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 13 а.

⁴⁷ Ёвқочев Шуҳрат Акмалович. Жаҳон сиёсатида ислом омили. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2016. – Б. 103.

⁴⁸ Ал-Жомиъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 23 а.

⁴⁹ Ўша асар. – В. 13 а.

ниятни инсон қалби билан боғламоқда. Қалб билан тушуниш инсонга ўз миллати ва динидагиларни тушуниш билан бир вақтда, ўзга миллат ва дин вакиллари ҳам тушуниш имконини беради. Бу билан бағрикенглик ҳиссини шакллантиришда ниятнинг муҳим аҳамият касб этиши исботлаб берилган.

Муҳаммад Кардарий “ал-Жоми ал-важиз” асарида ният – қалбнинг амали эканини ва яхши ниятда амалга оширилган амалнинг қадрланишини тушунтиради. Унинг мазкур фикрлари асарда келтирилган қуйидаги фатвоси билан асосланган:

“Киши 800 йилнинг Рамазон ойида рўза тутиб, лекин 801 йилнинг Рамазон ойи деб ўйласа, рўзаси қабул бўлади”⁵⁰.

Бобнинг учинчи банди “*Ал-Жомиъ ал-важиз*” асарида турли фирқаларга муносабат масаласи” деб номланган. Бу бандда олим яшаган даврдаги фирқалар, уларнинг тарихи ва ақидалари ҳақидаги маълумотлар таҳлилий ўрганилган ва асардаги уларга илмий раддия сифатида келтирилган фатволар ёритилган.

Асарда хорижийларнинг эътиқодда адашганликларига илмий асос сифатида Усмон ибн Аффон, Али ибн Аби Толиб, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Абдулмутталиб, Оиша бинти Аби Бакр ва барча имомларнинг хорижийлар эътиқодлари исломга зид, деган фикрлари келтирилган.

Ўзларининг наслларини Аллоҳдан деган эътиқодлари Кайсонийларнинг эътиқодда адашганликлари асос қилиб кўрсатилган.

Равофизийлар ўликларнинг дунёга қайтиши, руҳларнинг айна кўринишда бошқа руҳларнинг шаклланиши, илоҳий руҳларнинг имомларга кўчиб ўтиши, имомларнинг илоҳ эканликлари, ҳақиқий нотиқ имомнинг ҳақиқатан ва унинг чиқишига буюриш ва қайтаришнинг бўлиниши, пайғамбар Жаброилнинг ваҳийни Али ибн Аби Толибга олиб тушиш ўрнига, адашиб, пайғамбар Муҳаммадга олиб тушганлиги ҳақидаги тушунчаларга ишонишлари уларнинг ислом дини таълимотини инкор этганликларини исботловчи омил сифатида ёзилган.

Язидийларнинг эътиқодда адашганликларига илмий асос сифатида араб бўлмаган халқлардан пайғамбар кутишлари ва пайғамбар Муҳаммаднинг динини инкор этишлари келтирилган.

Аллоҳнинг сифатларини инкор этишлари ва ёзилганлиги, кўрилганлиги, ўқилганлиги учун Қуръонни жисм дейишликлари Нажжорийларнинг эътиқодда адашганликларининг исботи сифатига кўрсатилган.

⁵⁰ Ал-Жомиъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 13 а

Муҳаммад Кардарий кенг дунёқарашга эга бўлган олим сифатида ислом динининг аслига, моҳиятига зид бўлган ақидавий қарашларни иддао этадиган, ҳаддидан ошган кишиларнигина динда адашганликда айблаган. Олим дейди: “Агар ораларида (юқоридаги оқимлар каби) бидъатчи (ислом динининг моҳиятига зид бўлган нарсаларни кашф қилувчи) кишини билсалар, уни тўғри йўлга чорласинлар. Агар бидъатчи даъват қилувчи бўлса, уни инкор этсинлар. Агар унга тенг кела олмасалар, уни ҳокимнинг амрига топширсинлар, токи уни мамлакатдан сургун қилсинлар”,⁵¹ дейди.

Муҳаммад Кардарий Хоразмий ундайларни тўғри йўлга қайтишга чақиради. Агар қайтмасалар, олим ундайларни тарк этиб, қозининг ёки ҳокимнинг ҳукмига топширишни буюрган. Дарҳақиқат, олим асарда: “... агар фарзандлар бефойда, нотўғри билимлар билан машғул бўлсалар, ота фарзандларини тўғри йўлга солиш учун уларни қози ҳузурига олиб бориши керак,”⁵² дея таъкидлаб ўтган.

Турли бузғунчи ғоялар таъсиридан сақланишнинг асосий воситаси сифатида олим оиладаги маънавий муҳитни тушунади. Бунда, айниқса, фарзанднинг оиладаги тарбияси ва муносиб устоз қўлида зарурий билим эгаллашига алоҳида эътибор қаратган.

Фақат ўз билганини тўғри деб билиш, ўзгаларнинг фикрлари ва тушунчаларини инкор этиш илмнинг етишмаслигидан келиб чиқади. Бир нарса ёки ҳолат ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган киши ўзида мавжуд кам маълумот асосида у нарса ёки ҳолатни инкор этади, уни тушунмайди. Тушунмаганлиги сабабли ундан жаҳли чиқиши, адоватда бўлиши мумкин. Асарда бундай ҳолатга тушмаслик, ўзга миллат ва дин вакилларига нисбатан ҳурматда бўлишга ундовчи фавтолар кўп учрайди.

Асарда келтирилган фатволар, шунингдек, “дару-л-ҳарб”ни баҳона қиладиган, ўзга дин вакилларига нисбатан адоватда бўладиган тоифалар ва уларнинг турли фитналарга сабаб бўлувчи нотўғри ғояларига қарши илмий раддия бўла олади. Жумладан, олим “Биз дедик: оми киши илми етишмаслиги сабабли ҳадисда ёзилганига қараб амал қилмаслиги керак”⁵³, деб ёзади.

Динда киши илмсиз, устозларсиз ўзбошимчалик билан амал қилса, йўлдан озиши мумкин. Натижада, эътиқоднинг бузилиши, маънавий таназзул ва жамиятда бўлиниш, ўзаро адоват келиб чиқади. Олимнинг бу фикри илми етарли бўлмаган ҳолида дин олимлари ва имомларнинг сўзларини муҳокама этадиганлар, Қуръон ва ҳадисдан ўзлари тўғридан-тўғри фатво чиқариб оладиганларга илмий раддия

⁵¹ Ўша асар. – В. 409 б.

⁵² Ал-Жомийъ ал-Важиз. – Истанбул: Сулаймония №158. – В. 51 б.

⁵³ Ўша асар. – В. 32 б.

бўла олади. Бундан келиб чиқадики, Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асари ўз даврида Мовароуннаҳрда юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш учун хизмат қилган.

“Муҳаммад Кардарий “ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг XIV-XV асрлар Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётидаги ўрни” мавзuidaги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр аҳолиси маънавиятининг юксалишида шу минтақа олимлари илмий ижодларининг ўрни катта бўлган. Бошқа соҳа олимлари қаторида, фақиҳ олимлар ҳам ўз соҳаларида сермахсул ижод этдилар. Хусусан, фақиҳларнинг ҳанафийлик мазҳаби таълимоти бўйича ёзган асарлари аҳолига ислом динининг асл эзгу мақсадларини ёритиб бериб, жамиятда соғлом маънавий-маърифий муҳитнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши учун хизмат қилган.

2. Ҳанафийлик мазҳаби Мовароуннаҳр ҳудудида кенг кўламда тарқалган бўлиб, унинг йирик, салоҳиятли вакиллари шу минтақада камол топганлар. Улар ҳанафий мазҳабининг ҳуқуқий ва ақидавий асосларини ташкил этувчи Абу Ҳанифа асарлари ва унинг издошлари Муҳаммад Шайбоний, Абу Юсуфларнинг қаламига мансуб фикҳий асарларга асосланган ҳолда ниҳоятда муҳим ҳуқуқий асарлар ёзиб, мазҳабнинг ривож топишига катта ҳисса қўшганлар.

3. Хоразмнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари қатори Кардар ҳам иқтисодий, маънавий, маданий, илмий жиҳатдан ривожланган шаҳар бўлган. Кардарлик олимларнинг илмий ижодлари натижасида Хоразм Кардар мактаби шаклланди. Уларнинг турли масалаларга берган ечимлари, жавоблари Хоразм аҳолиси маънавияти, маданиятининг ривожланиши учун хизмат қилган. Бу, ўз навбатида, ҳар бир кардарлик олим, жумладан, Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмий яшаган даврдаги фикҳ илмининг ривожланиш босқичида муҳим аҳамият касб этган.

5. “Ал-Жомиъ ал-важиз” асаридаги ақидага оид фатволар турли фирқалар ғояларининг ислом дини таълимотига тўғри келмаслигини асослаб беради. Бошқа ижтимоий масалаларга берилган ечимлар таҳлили эса, жамиятда келиб чиқиши мумкин бўлган ўзаро тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

6. Асарда ақидавий масалаларга оид фатволар таҳлилига асосан, қонун доирасида фаолият олиб бораётган диний ташкилотлар фаолиятига тўсқинлик қилиш мусулмон киши учун тўғри бўлмайди. Шунингдек, ғайриқонуний диний ташкилотлар тузиш, унда иштирок этиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдид соладиган, фитна чиқарадиган маълумотларни олиш, ўрганиш ва тарқатиш ислом дини таълимотларига зид ҳисобланади.

7. Юқоридаги ислом дини таълимотларига мувофиқ келмайдиган ҳаракатлар бир неча кўринишга эга бўлиб, улар асарда босқичма-босқич ёритилган. Ҳар бир босқич етказадиган зарарлари билан бир-

биридан фарқ қилади. Асарда уларга нисбатан қўлланиладиган чоралар ҳам зарарларидан келиб чиқиб, турлича белгиланган.

8. Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомиъ ал-важиз” асарида келтирилган турли диний-ижтимоий масалалар ечими муаллиф яшаган даврда минтақадаги ривожланиш жараёнидаги талаблардан келиб чиққан. Демак, ривожланаётган давлатда жамият дуч келаётган саволларга муносиб жавоб олиш учун ишончли манбага эҳтиёжи бўлади. Бунда масалаларнинг тўғри ечими билан жамиятни таъминлаш давлат ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

9. “Ал-Жомиъ ал-важиз” асарида ижтимоий хавфли ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида кўриладиган чоралар келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларнинг даражаларини инобатга олган ҳолда бир неча босқичларга бўлинган. Жумладан, биринчи босқичда – асарда фарзанднинг тўғри билимларни эгаллаши учун унинг ота-онаси масъул этилган. Иккинчи босқичда – агар, фарзанд нотўғри билим олишдан тўхтамас, унинг ахлоқини тузатиш мақсадида отаси қозининг олдига олиб бориши кераклиги ёзилган. Буни бугунги кунда ахлоқ тузатиш жазоси билан амалга ошириш мумкин. Учинчи босқичда, нотўғри йўлга тарғиб қилувчи, зарарли билимларни тарқатувчи шахсни унинг атрофидагилар, жамият тўғри йўлга чорлаши, профилактика қилиши лозимлиги ёзилган. Буни бугунги кунда мажбурий жамоат ишлари жазоси билан амалга ошириш мумкин. Тўртинчи босқич – агар у тарғиботчи тарғиботини давом эттираверса, чора кўриши учун уни ҳокимга топшириш кераклиги ҳақида ёзилган. Буни эса, бугунги кунда ишни судга топшириш билан амалга ошириш мумкин.

10. Мазкур босқичлар ва уларнинг чоралари ижтимоий хавфли фаолият турлари ва уларнинг зарарлари даражаларини белгилаб беради. Бунга кўра:

биринчи тури – фарзанднинг нотўғри билимларни олишида оиладаги назоратнинг йўқлиги. Қуйи даражадаги зарар – бунда оиланинг бир фарзанди ғоявий хуруж таъсирига тушиши мумкин;

иккинчи тури – фарзанднинг нотўғри билимларни эгаллашини ўз оиласи тўхтата олмаслиги. Қуйидан юқори даражадаги зарар – бунда оиланинг бир фарзанди ғоявий хуруж таъсирига тушган ва бошқаларга ҳам таъсирини ўтказиши мумкин;

учинчи тури – нотўғри билимларни тарқатувчи шахснинг тарғиботи. Юқоридаги даражадаги зарар – бунда мазкур шахс жамиятни ғоявий хуружлар таъсирига тушириши мумкин;

тўртинчи тури – нотўғри билимларни тарқатувчи шахснинг нотўғри ғоя ва ўз тарғиботидан қайтмаслиги. Юқори даражадаги зарар – жамиятнинг бунёдкорликка асосланган ғояларини, тушунтиришларини инкор этиб, ғоявий хуружларни уларга ва

бошқаларга ўтказишга уринади ва бузғунчи ғояларга ўзи ҳам амал қилади.

11. Асарда ёт ғояларга қарши тўрт босқичда, комплекс тарзда маърифат билан курашилган. Бугунги кунда ҳам экстремизм ва терроризмга қарши курашишда бу услубни татбиқ этиб, самарали натижаларга эришиш мумкин.

Тадқиқотда таҳлил этилган масалалар, улардан келиб чиққан хулосалар асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон тарихига оид адабиётларга Амир Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-маънавий муҳит, Хоразм маданиятининг бир қисми ҳисобланмиш Кардар маданияти каби янги маълумотларни жойлаштириш. Шунингдек, ёт ғояларга қарши маърифат билан курашиш, ёшларда мустақил таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш мақсадида асардаги ақидавий масалалар ечими ва бошқа ижтимоий масалаларга берилган ечимларнинг диссертацияда келтирилган таҳлилларига оид маълумотларни исломшунослик ва диншунослик фанлари бўйича адабиётларга жойлаштириш ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маънавий-маърифий дастурларига татбиқ этиш.

2. Ўзбекистон Республикасидаги, жаҳондаги кутубхоналарда ҳамда олий ўқув юртларидаги “Манбашунослик” фани бўйича адабиётларни тайёрлашда фойдаланиш учун Хоразм Кардар илмий мактаби намояндаларининг асарлари, жумладан, Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмий “ал-Жомиъ ал-важиз” асарининг Ўзбекистон ва жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг рўйхатини тузиш ва уларнинг манбашунослик таҳлиliga оид маълумотлар учун хос электрон картотекани шакллантириш.

3. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш мақсадида “ал-Жомиъ ал-важиз” асарида келтирилган Мовароуннаҳр, хусусан, Хоразм тарихининг маънавий, маърифий ва маданий жиҳатларига оид янги маълумотлардан Хоразм тарихини ёритишда фойдаланиш.

**SCIENTIFIC COUNCIL UNDER NUMBER
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 FOR AWARDING ACADEMIC DEGREES
UNDER INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN**

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

JURAEV KHUSAN ALISHEROVICH

**THE ROLE OF MUHAMMAD KARDARIS WORK "AL-
JAAMI' AL-WAJEEZ" IN THE RELIGIOUS AND SOCIAL LIFE OF
MAWARANNAHR IN XIV-XV CENTURIES**

24.00.01 – History and Source studies of Islam

**DISSERTATION ABSTRACT
OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON HISTORICAL SCIENCES**

Tashkent-2020

The subject of the dissertation (PhD) in history is registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan number B2019.1 PhD/Tar108

The dissertation was carried out at the International Islamic Academy of Uzbekistan.

The dissertation abstract in three languages (Uzbek, English, Russian (resume) is available at the Scientific Council Web site (www.iiiau.uz) and Ziyonet information portal (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor

Islamov Zahid Mahmudovich

Doctor of Philology, Professor

Official opponents

Ismailov Mas'udkhon Mahdievich

Candidate of Historical sciences, assistant

professor

Tashkulov Juraboy Urinbayevich

Doctor of Law, Professor

**Leading organization:
Studies**

The Abu Rayhan Biruni Institute of Oriental

The defense of the dissertation will be held on «___» _____ 2020 at ___ at The head scientific and methodical center's online meeting platform of the Academic Council under the number DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 for awarding academic degrees under International Islamic Academy of Uzbekistan (Address: 10011, Tashkent, Kadiri Street, 11. Telephone: (99871) 2440056; Fax: (99871) 2440056; e-mail: info@iiiau.uz).

The dissertation can be found at the Information Resource Center of the International Islamic Academy of Uzbekistan. (Registered number ___) (Address: 100011, Tashkent, A.Kodiriy street, 11. telephone: (99871) 244-00-56; fax:

(99871) 244-00-65; e-mail: info@iiiau.uz)

The dissertation abstract is disseminated on "___" _____ 2020.

(Protocol registered number ___ "___" _____ 2020)

Sh.A.Yovqochev

Chairman of Scientific Council for awarding academic degrees,
doctor of political sciences, professor

D.A.Rakhimjanov

Secretary of Scientific Council for awarding academic degrees,
candidate of historical sciences, associate professor

Z.M.Islamov

Chairman of Scientific Seminar under the Scientific Council for
awarding academic degrees, doctor of philology, professor

INTRODUCTION (Annotation of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD))

The urgency and necessity of the topic of dissertation. The use of fictional sources written by our ancestors in the Middle Ages is of great importance in addressing today's religious and social issues related to Islam. Studying these resources and exploring the methods used to address the issues in their field help to develop an unbiased, scientific approach to protecting young people from the affects of groups currently trying to disseminate destructive ideas. Muhammad Kardari's book "Al-Jaam'i al-wajiz", written by a scholar from the Khorezm region, is dedicated to solving such problems in a rational way. The book contains valuable information on religious and social life of the Mawarannahr (Mawarannahr) XIV-XV centuries. Particular attention was paid to the upbringing of the child in the family and the acquisition of the necessary knowledge in the hands of a well-educated teacher, overseeing religious education, protecting young people from various moral threats, and creating ideological immunity against alien ideas.

While ensuring the stability of the family, which is the key to the development of civil society, is one of the pressing problems of today. It is necessary to study and analyze the information, solutions contained in the work of "al-Jaam' al-wajiz. Muhammad Kardari's views on the clear definition of parental responsibilities, along with the rights and responsibilities of children in the family, contribute to a moderate solution to this issue. The scientific and logical refutations of scholars against the destructive ideas of foreign, Caesaric, rhapsical, and Nazi groups also help to effectively address today's issues in addressing the problem of sectarianism that aggravates religious and social problems.

In today's age of information technology, it is sad to see young people in the media world, especially the Internet, being opposed to their homeland, ancestral heritage, family and other values, away from science. Muhammad Kardari's ideas for the fight against ignorance and the need for a scientific solution to any social problem are invaluable.

Our history has been revived during independence. Due to the opportunities and conditions created for the study of our spiritual heritage, the rich scientific heritage of our ancestors has been explored and analyzed. At the same time, there are many unexplored works of our scientists, which can be used to find new information on history and to solve current problems. Establishment of the International Islamic Academy of Uzbekistan and the Center for Islamic Civilization and President Shavkat Mirziyoev's Resolution "On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources" No. 2995⁵⁴ of May 24, 2017 have opened up new opportunities for

⁵⁴ No. PD-2995. On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of

scholars to do research. Also, the results of this thesis serve as a scientific-theoretical source for the implementation of the tasks outlined in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy of Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" of February 7, 2017, PF-4947 and "On measures to radically improve the religious and educational activities" of April 16, 2018 PF-5416.

Relevance of the research to the priority areas of science and technology development in the republic. The research was carried out in accordance with the priority area of science and technology development in the Republic: "Formation and implementation of innovative ideas in social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and a democratic state".

The studied extent of the problem. To date, there has been much research on the life and work of Muhammad al-Kardari (729-816/1329-1413) in the world and in our country. Khayruddin Zirikli (1310-1396/1893-1976) in his work "Al-A'lam"⁵⁵, in Abdulhay Laknawi (1264-1304/1847-1889) in "Al-Fawaid al-Bahiyya"⁵⁶, as well as in the strata of Mahmud Kafavi (v. 990/1582) Khairiddin Ramli (993-1082/1585-1671) and Minkarizade Yahya (1018-1089/1609-1678) give detailed information about Muhammad Kardari's life. Shihabuddin Marjani gave a brief data about Muhammad Kardari's life and work and by using the information in the work of Arab scholars, in particular, in the work of al-'Alam by Khayruddin Zirikli⁵⁷.

In the West, there was no scientific study about Muhammad Kardari and his work "Al-Jaam'i al-wajiz". Guy Burak from the USA wrote in 2015 about the Hanafi school in the Ottoman Empire, "The Second Formation of Islamic Law" that Muhammad Kardari traveled to Arab and Turkish cities and met with Fanori. Western researchers also reported on the Internet that S. Samuel and K. Rizvi published the article on the death of the scientist and that he was the author of "al-Jaam'i al-wajiz" and his work was known as "al-Fatawa al-bazaziya."⁵⁸

In the book "Islamic Jurisprudence, Hanafi School and Central Asian faqihs"⁵⁹ by Dr. A. Juzjani, Doctor of Juridical Sciences in Uzbekistan, briefly

ancient written sources. - Newspaper "Halq Suzi". 103 (6797). May 25th. 2017.

⁵⁵ See: Khairuddin az-Zirikli. "Al-A'lam". - J. 4. - Beirut: Dor al-ilm li-l-maloin, 1998. - P. 28.

⁵⁶ See: Abdul Hayy Lucknawi. Al-Fawaid al-Bahiyya. - Beirut: Dor al-Arqam ibn Ali al-Arqam, 1998. - P. 291.

⁵⁷ Yuzeeva A.N. Essays Mardzhani on the eastern peoples. - Kazan: Tatar book publishing house, 2003. - S. 46; Shihab ad-din Marjani. Wafiyat al-aslaf wa tahiyat al-ahlaf (detailed about predecessors and greetings to descendants) / Translation from Arabic, commentary, introductory article and notes by Doctor of Philosophy A.N. Yuzeeva. - Kazan: Iman, 1999. - P. 35.

⁵⁸ See: http://www.library.yale.edu/neareast/exhibitions/Islamic_book2.html;

<http://www.idc.nl/faid/441faidb.html>;

[www.books.google.com-Nicolas Aghnides](http://www.books.google.com-Nicolas_Aghnides). Islamic theories of finance: with an introduction to Islamic law. P. 185.;

scholarspen.blogspot.com/2005/11/books-on-excellence-of-imam-abu.html.

⁵⁹ Juzjani, Abdulhakim Sharia. Islamic Jurisprudence, Hanafi madhhab and Central Asian jurists. The

outlines the life, scientific activities and work of the scholar, his "Al-Jaam'i al-wajiz" and the brief information about "Manakib Kardari" The researches carried out are of a partial nature and do not cover the actual religious and social issues of Muhammad Kardari's work "al-Jaam'i al-wajiz" and its historical aspect has not been studied as a separate research object.

Connection of the research with the plans of research activities of the higher educational institution where the dissertation is completed. The dissertation research is included in the priority plan of the Department of "Islamic Studies and the Study of Islamic Civilization ISESCO" of the International Islamic Academy of Uzbekistan "The noble essence of Islam, its humanitarian aspects and its promotion to young people."

Purpose of the study. The aim of the study is to study the socio-spiritual atmosphere in Mawarannahr in the fourteenth and fifteenth centuries on the basis of handwritten copies and other historical sources of the work of Mohammed Kardari "al-Jaam'i Al-Wajiz " and to study the significance of work in its time.

Research objectives:

For achieving this goal it is necessary to implement the following tasks:

-to study social and spiritual environment of XIV-XV centuries in Khorezm history;

-to study the history of the development of Hanafi jurisprudence in Mawarannahr;

-to show the role of Muhammad Kardari's life and scientific heritage in the history of the development of Kardar culture;

-identification of manuscripts and manuscript copies of "al-Jaam'i al-wajiz" in Uzbek and world libraries and their analysis;

-to analyze the structure of Muhammad Kardari's work "al-Jaam'i al-wajiz";

-studying, analyzing and integrating scientific and social issues in the source, which are relevant to the present day, to strengthen the ideological immunity.

The object of the study is the work of Muhammad Kardari "Al-Jaam'i Al-Wajiz" on fiqh (religious jurisprudence).

The subject of the study is the coverage of the role and importance of the work of Muhammad Kardari "al-Jaam'i al-Wajiz" in the religious and public life of the XIV-XV centuries in Mawarannahr.

Research Methods. When covering the research, methods such as scientific description, retrospective analysis, analysis, historicity, logic, comparative analysis were used.

Scientific novelty of the research. The novelty of the scientific work is as follows:

Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan has approved it as a textbook for university students. / Editors responsible: A.Saidov, A. Mansur. - T.:Tashkent Islamic University, 2002. -256 p.

for the first time in “al-Jaam’i al-wajiz”, the measures taken to prevent and combat socially dangerous situations are divided into four stages, and these measures are revealed today on a comparative basis with correctional work, compulsory community service, and prosecution;

for the first time the scientific basis of educational measures against socially dangerous activities, lack of control in the family and society, the harm of the child to acquire the wrong knowledge, not to deviate from this path, to invite others to the same path and to commit a crime was proved basing on the work of “al-Jaam’i al-wajiz”;

in “al-Jaam’i al-wajiz” the struggle against ignorance in the protection of society from religious and ideological information attacks, the rejection of the misconceptions of several radical sects based on the works of Imam Saffor, Marghinani, Sarakhsi. Through comparative analysis of the evidence in their books the methods like scientific and rational thinking “Khilaf al-aql” – (“contrary reasoning”) are used by Muhammad Kardari;

strengthening the ideological immunity in society, the formation of the ability of youth to independently analyze information, and the scientific basis for the idea of tripartite cooperation – family, educational institution and government are proven.

The practical implications of this study are:

The life of Muhammad Kardari was thoroughly studied; a collection of 123 manuscripts and 8 lithographic copies of “al-Jaam’i al-wajiz”, Manakib Kardari, Devon and Mukhtasar al-Fatava al-Bazzazia was collected in the Turkish library of Suleiman;

Muhammad Kardari's "al-Jaam’i al-wajiz" is a work written on the religious and social issues of the fourteenth and fifteenth centuries to find the most appropriate solution based on the Hanafi school based on the social context of Islam at that time;

It is scientifically proven that Muhammad Kardari was a prominent scholar of that time, showing that Muhiddin Muhammad ibn Suleiman Kofiji, Ahmad ibn Fadl Hodzhitar Khaniy, Ahmad ibn Abdullah Kimi, Sharafuddin ibn Kamal Krimi who were prominent figures of religious jurisprudence in the fourteenth and fifteenth centuries.

It was shown that religious and ideological attacks existed even in the time of the scientist. In particular, the book states that during the month of Ramadan and Eid, it is not necessary to rely on information from outside the state, and that the public must obey the mufti in his or her religious and social affairs.⁶⁰

It turned out that Muhammad Kardari was the author of books “Devon” and “Mukhtasar al-Fatawa al-Bazzazia”. It was discovered that

⁶⁰Based on the opinions and fatwas of the scholars mentioned in the work, their role and role in regulating the social and spiritual environment in the 14th-15th centuries were identified. At that same time, religious scholars were able to establish and strengthen their spiritual immunity by providing timely and accurate information to the population.

Abdulghaffar Luqman Kardari published the works of "Hairatu-l-Fuqaha", "Abdusattar Kardari Khorezmi", "Raddu 'ala man yuanid", and Suleiman Kardari, "SharhKahdat al-Mudaria". It was established that he authored the works of Abdulghaffar Luqman Kardari Khorezmi's "Hayratu-l-fuqaha", Abdusattar Kardari Khorezmi's "Raddu 'ala man yuanid", and Sulaiman Kardari's "SharhQasid al-Mudariya".

The book "al-Jaam'i al-wajiz" is based on four stages, taking into account the degree of consequences that can be taken to prevent and combat socially dangerous situations.⁶¹

Based on these steps and their measures, levels and types of socially dangerous activities were developed.⁶²

Topics in the work were classified in the social, economic and legal fields. In accordance with it, 33 social issues, 11 economic and 8 legal issues were classified as a percentage: the social sphere at 62%, the economic sector at 21%, and the legal sector at 17%.

Reliability of research results. Comparative use of manuscript copies of "Al-Jaam'i al-Wajiz", kept under the number 6009 in the main fund of the manuscript department of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and number 158 at the Yahya Tawfiq Foundation of Suleiman Library, Turkey means that the conclusions and recommendations of the study have been put into practice.

The scientific and practical significance of research. The scientific significance of the dissertation is that it serves as a scientific and theoretical source for researches about the main scientific conclusions and important theoretical generalizations on the development of fiqh science in Mawarannahr, religious and social life of the 14th-15th centuries, the evolutionary stages of formation of ideological immunity in the younger generation, solutions to family and other social issues.

The practical significance of the work is determined by the fact that the results can be used in higher education institutions to develop the content of modern textbooks and manuals with the new approaches, the development of optional courses, seminars and special courses in the field,

⁶¹At the first stage - the parents are responsible for the child's acquisition of the right knowledge. In the second step, it is written that if a child does not stop learning, he must take his father to the judge. This can be done today with corrective punishment. In the third step, it is written that those who spread the bad knowledge and spread the harmful knowledge should be prevented by those around them, the society. This can be done today by mandatory public works. Stage 4 - it is written that if the propagandist insists, he must be transferred to the governor for action. And this can be done today by filing a lawsuit.

⁶²The first type is the lack of family control over the misinformation of the child. Low damage - in this case, an ideological blow can affect one child in the family;

The second type is when the family cannot stop the child from gaining the wrong knowledge. The damage is higher - in this case, one child in the family is ideologically attacked and may influence others; The third type is the promotion of a person disseminating false information. Higher damage - this person can expose other people to ideological attacks..

The fourth type is that the person who spreads the wrong knowledge does not turn away from the wrong idea or propaganda. High damage - he rejects the creative ideas and explanations of society, tries to pass ideological attacks on them and others, and applies the destructive ideas themselves.

to enrich the content of new disciplines such as Islamic jurisprudence, Islamic history and source studies with new theoretical developments. Also, the quotations from the Muslim Board of Uzbekistan dated June 1, 2017, "Fatwa on Zakat" (in thirteen fatwas, 65-77 fatwas) and "Fatwa on illness, corpse and funeral"(in three fatwas, 56-58 fatwas)⁶³, on June 14, 2017 and Sheikh Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf's response to the queries on the official websites of the internet is that quotes⁶⁴ from the "al-Jaam'i al-wajiz" are quoted in the autographs indicate that the work is still relevant today.

Introduction of research results. Based on the results of the study of the role of Muhammad Kardari's "al-Jaam'i al-wajiz" in the religious and social life of the 14th-15th centuries in Mawarannahr:

law of the Republic of Uzbekistan "On Amendments and Addenda to Certain Legislation of the Republic of Uzbekistan on Adoption of Additional Measures to Ensure Guaranteed Protection of Citizens' Rights and Freedoms" entered into force on April 1, 2017 follow-up and suggestions and recommendations on results from establishing an illegal religious organization and contributing to the activities of an illegal religious organization, disrespectful attitude to other religious groups, and disrespect for religious ceremonies are introduced in the dissertation. (Committee on Judicial Affairs and Corruption of the Senate of Supreme Assembly of the Republic of Uzbekistan, Act No.85 dated 12.08.2019). The result was used by Article 2 of the present Law to make changes and additions to the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, including the determination of types and levels of consequences and damages of crime by supplementing new Articles 216, 216¹, 216², 145, 244¹ of the Criminal Code;

on April 03, 2018, the "Mahalla" radio station's "Enlightenment Conversations" broadcasted a conversation about Cardinal scholars, including Muhammad Kardari and "al-Jaam'i al-Wajiz" (The reference No 4-24-508 "Uzbekistan" channel of National Television and Radio Company of Uzbekistan, on April 4, 2018). As a result, it was the first time publicly available in the media the scientific and analytical information about Muhammad Kardari and his work "al-Jaam'i al-Wajiz", its educational benefits, such as the need to stay away from conspiracies and destructive ideas;

recommendations and proposals on the formation of intolerance towards extremism and terrorism, and the education of ideas that threaten public security to The Law of the Republic of Uzbekistan "On Combating Extremism" dated June 12, 2018 were introduced in the dissertation (Committee on Judicial Issues and Anti-Corruption of the Senate of the

⁶³ <http://muslim.uz/index.php/fatvo/janoza>

⁶⁴ <https://islom.uz/maqola/621>

Supreme Assembly of the Republic of Uzbekistan, Act No.84 dated 12.08.2019). As a result, the development of Articles 7, 8, 11 of this law used a comprehensive approach to the formation of intolerance towards extremism and terrorism, and to counter the ideas threatening the security of society;

the role of the Muslim Board of Uzbekistan in the spiritual and educational work and the role of the Call Center system in the fight against spiritual threats and enlightenment and the results of the procedure for establishing the first day of Ramadan and Eid were introduced in 2018, 2019 (Muslim Board of Uzbekistan, Reference No. 1401 dated 29.05.2019). As a result, it is used by the Muslim Board of Uzbekistan in its spiritual and educational activities. In the dissertation, conclusions and recommendations on resolving religious and social issues, setting the days of Eid al-Fitr on the first day of Ramadan in the formation of a system for answering questions related to fasting during Ramadan from May 3 to June 3, initiated by the Muslim Board of Uzbekistan used the results of the fasting procedure;

for the purpose of implementation of the joint resolution of the Senate Council of the Republic of Uzbekistan on January 18, 2019 of No. 2300-111 / QQ-492-111, The results of the dissertation in the eighth section "Preparing analytical information on improving religious education practice" of the Road Map on the submission of recommendations and recommendations of the International Islamic Academy of Uzbekistan in the area of freedom of religion, three-sided parent-educational institution, the effectiveness of state control, conclusions and recommendations on the need for this cooperation are used to protect them from destructive ideas and information attacks (Committee on Religious Affairs, Act No. 4155 of 19.07.2019). As a result, the results of the dissertation were used in relation to the stages under the control of religious education, the responsible parties at each stage, and their points of cooperation.

Approval of the results of the study. The results of this study were confirmed at 2 international and 1 national scientific and practical conferences, including 1) "The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, Reality and prospect" (Prague, 2014), 2. "Science, Research, Development" (Belgrade, 2019), 3. "Inter-religious dialogue and religious tolerance as a guarantee of stability in society" (Tashkent, 2014).

Publication of research results. 12 scientific papers on the research topic were published in 6 domestic and 6 foreign journals recommended for publication of the main scientific results of doctoral dissertations of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan.

The structure and scope of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion, a list of sources and

references, as well as annexes. The volume of the dissertation is 142 pages.

BASIC CONTENT OF DISSERTATION

The introductory part describes the urgency and need of the topic, the relevance of research to the priority areas of science and technology development, the degree of study of the problem, the relevance of the research to the plans of research activities of the higher educational institution in which the dissertation is made, the purpose and objectives, object and subject of the research, methods, scientific novelty, practical significance, reliability, scientific and practical significance of research results, implementation, approbation and publication of the dissertation.

The first chapter of the dissertation is entitled "The Development of the Social and Spiritual Environment in Hanafi Jurisprudence in the XV-XV centuries". In this section it can be seen that the rational use of the Islamic factor in social management by Amir Timur (Tamerlane) and the rulers of the Timurid Empire.

In the first paragraph entitled "*Scientific, Socio-Spiritual Life in Mawarannahr in the XV-XV Century*" the role of scientists in the development of various disciplines and socio-spiritual status of the XIV-XV centuries in Mawarannahr was analyzed. In particular, the works of the faqihs and Sufis were prominent in the promotion of enlightenment and social management in the nation. At the same time, the fatwas of the scholars in various fields served as a legal basis for the people. Faqihs played an important role in maintaining order in the society, especially in controlling the economic system. This is apparent, among other systems, in the fatwa inherent in the formation of the tax system. In the chapter of Farming of Muhammad Kardari's "al-Jaam'i al-wajiz" it can be seen the fatwa about "A farmer pays the "horoj" when collecting and harvesting, while the landowner pay the "horoj" when collecting the crop ... This fatwa has been settled among the Khorezm imams."⁶⁵, by Second Imam (Muhammad ibn Hasan). At that time, the role of the faqih imams in the regulation of economic and social norms in Khorezm was proven by this fatwa.

